

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «27» 4

2022-434-7-95-ХТ-  
сон

Иштихон шаҳри

Кейинги ўринларда “Пудратчи” "ISHTIXON BUNYODKORI" МЧЖ номидан низом асосида ҳаракат қилувчи Умиров Зоирхон бир томондан ва Иштихон туман халқ таълими бўлими кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади номидан низом асосида ҳаракат қилувчи Қодиров Содик иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади, яни Иштихон туман Халқ таълими бўлимига қарашли 88-мактаб иссиқлик тизимини таъмирлар ишларини бажариш, Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси 384 000 000 (уч юз саксон тўрт миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қуйидагиларни олади: тўлик таъмирлаш

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сунгги баҳо Пудратчи тақдим этган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3- бандида белгиланган тартибда копланеди.

## 3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:  
30% аванс, 70% тугаллангандан сўнг

(бир вақтнинг ўзида, аванс тўлови билан бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳ.к)

3.2. Тўлов шакли: пул кўчириш

(тўлов талабномаси, топшириқномаси, чек ва ҳ.к)

3.3. Шартнома бўйича сўнгги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 10 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1 -илова).



4.2. Буюртмачи куйидаги муддатларда Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди: 30 кун

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

**Бошланиши - 2022 йил апрел**

**Тугаши - 2022 йил 31 декабр**

## **5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиҳа хужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

лойиҳага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қурилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

қурилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш; .

қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш

далолатномаси имзолангандан кейин 5 кунлик муддатда

қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1- бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиб олиш.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг фоизи миқдорида неустойка тўлайди.



6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

## **7. ФОРС-МАЖОР**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 1 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судида ҳал қилинади.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ**

9.1. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция



характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти- ҳаракатлари/ҳаракатсизлиларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

9.2. Томонда ушбу Шартноманинг 9.1.-бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларнинг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

### ПУДРАТЧИ:

"ISHTIXON BUNYODKORI" МЧЖ

Ҳисоб-китоб рақами

20208000605332794001

СТИР: 30248293

МФО 00735

Раҳбар

З.Умиров



### Буюртмачи:

Иштихон тумани ХТБ

Ҳисоб-китоб рақами

10002286018212709200075096

СТИР 200743652

Раҳбар в.в.б

С.Қодиров





## ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури

**Шартнома**

2. Лойиҳанинг номи

**Пудрат шартномаси**

(Иштихон туман Халқ таълими бўлими ва “Иштихон Бунёдкори” МЧЖ ўртасида тузилган пудрат шартномаси. Ушбу шартнома Ўз.Р. “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-Қонуни ва Ўз.Р.Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сон Қарорига асосан тузилган)

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот

**Иштихон туман Халқ таълими бўлими 27.04.2022**

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

2022 йил «27» апрел

Марказ бошлиғи:



Ш.М.Юлдашев





*Samarqand viloyati Ishtixon tuman hokimligi  
huzuridagi Tadbirkorlik sub'ektlarini Davlat  
ro'yxatidan o'tkazish inspeksiya*

**GUVOHNOMA № 17**

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

Reestrda tartib raqami №00002556 2013 yil 2 fevral

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs: **«ISHTIXON BUNYODKORI»**  
Mas'uliyati cheklangan jamiyatiga berilgan

(yuridik shaxs bo'lgan dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun ajratilgan er uchastkasi va uning maydoni bo'rsatildi)

Tashkiliy huquqiy shakli:	M.Ch.J.	TXSH	1152
Mulkiylik shakli:	Xususiy	MSH	142
Pochta manzili: O'rtaqishloq QFY Qoraxoni qishlog'i		MXOBT	1718212573
Yuridik shaxs kodi:		KTUT	24256075
Tarmoq kodi:	Qurilish	XXTUT	61110
Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami		STIR	302482934

Qo'shimcha ma'lumotlar:

M. O'

Inspeksiya boshlig'i

A. Xolbekov